

Алижон қори Файзуллоҳ Махдум ўғли қироатининг видеотасвирга ёзилган тақдимоти бўлиб ўтади



11:36 / 29.03.2022 2779

Бугун, 29 март куни Ўзбекистон муслмонлари идораси ташаббуси билан тайёрланган шайх Алижон қори қироати асосида Қуръони Карим тиловатининг видеотасвирга ёзилган лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтади.

Тақдимотда Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ва «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудирлари шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум ўғли иштирок этадилар.

Бир қанча вақт олдин шайх Алижон қори томонидан Қуръони Карим қироатини видеотасвирга ёзиш иши бошланган эди. Шу кунларда 30 пора Қуръони Каримни ўз ичига олган бу хайрли иш ниҳоясига етиб, халқимиз

тарихида илк марта оммага тақдим қилинмоқда. Ушбу янги лойиҳа – шайх Алижон қорининг Қуръон таълими ва хизматида кечган 30 йиллик меҳнатларининг самарасидир.

Шайх Алижон қори қироати асосида видеотасвирга ёзилган Қуръони Карим тиловати ўзига хос услубда амалга оширилган бўлиб, видеотасмада қироат қилинган ҳар бир оятнинг арабча матни ҳам тиловатга ҳамоҳанг равишда бериб борилган. Бу иш нафақат Ўзбекистон ва Миср диёри, балки бутун дунё бўйича илк марта амалга оширилмоқда.

Тақдимот соат 14:00 дан бошлаб, «muslim.uz» ва «AlQuran.uz» каналларининг ижтимоий тармоқларида онлайн тарзда эфирга узатилади.